

ЗУЛФИЯ ШЕЪРЛАРИДА ЭМОЦИОНАЛ-ЭКСПРЕССИВ БЎЁҚДОР СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

доцент А. Мусаев,

магистрант Хакимова О.

(ЖДПИ)

Зулфиянинг ўзбек адабиёти тараққиётида алоҳида ўрни бор. Зулфия билим юртида ўқиб юрган давридаёқ адабиётга қизиқиб шеърлар ёза бошлайди. Зулфия шеър ёзишга қизиқишини онасидан деб билади. “Сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда... оддий аёл – онам уйғотган” дейди шоира. Зулфия шеърлари тематикаси севги ва садоқат, қўмсаш ва фироқ, соғиниш ва ҳижрон билан боғлиқ бўлибгина қолмай, диққатни меҳнат ва меҳнат кишиси, унинг қамрамонлиги-ю ватанпарварлигини, бахт-саодат йўлидаги шиддатли курашини куйлашга, халқлар ўртасидаги дўстликни, қардошлиқни улуғлашга қаратди. Буни тасвирлаш, ифодалашда шоира ўзбек тилининг бой лексикасидан самарали фойдалана билганки, биз буни эътироф этиш билангина чекланиб қолмай, шоиранинг индивидуал-стилистик маҳоратини ҳам эътибор қаратишимиз зарур.

Сўзларнинг предмет маъноси эмоционал бўёқдорлик билан тўлдирилиши ва улар сўзловчининг баҳолаш даражасини кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода ўзбек сўзлашув нутқидаги мавжуд ижобий ва салбий муносабатларни ифодаловчи сўз ҳамда бирикмалар ҳам етарлича тадқиқ этилган(Б.Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. Тошкент,1991, 48-бет). Бундай бирликларнинг конкрет нутқ шароитида қай даражада реаллашувини кўриб ўтиш уларни ўрганиш масаласида кутилган натижани беришини таъкидлаган бўлардик.

Эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзлар нарса, белги, ҳаракат кабиларни аташ билан бирга, сўзловчининг шу нарса, белги, ҳаракатга баҳосини, турлича муносабатини ифодалайди (Э.Қиличев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро, 2001, 119-бет).

Зулфия шеърларида эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзларни кўплаб учратиш мумкин. Булар турли-туман муносабатларни ифодалаб келади, жумладан :

1. Сўзловчининг насага муносабатини билдиради:

Салқин саҳроларда, бодом гулида,

Бинафша лабида, ерларда баҳор (Баҳор келди сени сўроқлаб...

Йиллар садоси, Т.,1995, 30-бет).

Қалб бўлганда йироқда

Ирода экан ожиз (Сен қайдасан юрагим, Ўша тўплам, 33-бет).

2. Сўзловчининг белгига муносабатини билдиради:

Юзингдаги улуғвор, майин,

Бир жаҳонга арзир табассум (Ўша тўплам, 36-бет).

Кўзимдаги ёшимни кўриб

У ҳам тўкди ёшини дув-дув (Ўша тўплам, 34-бет).

3. Ҳаракатга муносабатни ифодалайди:

Хаёл хиёл чертиб ўтдим –

Топиб бер деб қилади хитоб (Ўша тўплам, 37-бет).

4. Аниқ ёки ноаниқ миқдорга муносабатни ифодалайди:

Ерда ҳаёт битта,

Аммо минг тақдир (Ўша тўплам, 22-бет).

Беш аср йўл ўтган жинсимга қарайман (Ўша тўплам, 56-бет).

Менинг икки кўзим нақ бир жуфт жайрон (Ўша тўплам, 58-бет).

Маълумки, тилда эмоционал-экспрессив бўёқ реаллашувининг асосий усуллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

1. Лексик – бунда услубий бўёқ сўз ўзаги билан ифодаланади, яъни баҳолаш элементи сўзнинг лексик маъносида табиатан мавжуд бўлади:

Ишқ ва ҳижрон оловларидан

Омон чиққан қайноқ дилим бор(Ўша тўплам, 104-бет).

Ушбу тип сўзларда ижобий ҳамда салбий эмоция ифодаловчи сўзларни фарқлаш зарур (азамат, дўндик, лобар, ўктам – беор, сурбет, ифлос, мижғов).

Толе ҳаёт номли жозиба,

Умр бўйи сен унга мафтун (Ўша тўплам, 124-бет).

Ўғирламанг қаламим бир кун,

Мени этманг соқов ва чўлоқ (Ўша тўплам, 84-бет).

2. Метафорик сўз қўллаш – сўзни маъно ўхшашлиги принципи асосида кўчириб ифодалаш:

Бугун шом устидан ял-ял кулажак,

То умр борича сахар мен билан (Ўша тўплам, 99-бет).

3. Аффиксация – сўз ўзакларига маълум шакл ясовчи қўшимчаларни кўшиш асосида эмоция ифодалаш:

Оҳ, ижод, дардгинам!

Сен менинг оромим рақиби (Ўша тўплам, 16-бет).

4. Контекстуал усул – нутқ бўлаги ёки матн парчасида маълум сўзларни ўз шоирона мақсадида қўллаш:

Фикринг пармаласа ёрилар тошлар(21-бет), Илк илҳомнинг қанд оташларин(125-бет), Мен сени, эй тансиқ афсона, ҳали кўп чамандай кўкартгум(164-бет).

Бундай мисолларни шоира тузган ўлмас сатрлардан кўплаб келтириш мумкин, чунки эмоционал-экспрессив бўёқ ёки бундай сўзларни қўллаш ҳар қандай поэзиянинг асосини ташкил этади. Биз айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, Зулфия асарларида қўлланган бўёқдор сўзларни юқоридаги каби, биринчидан, муносабат айнан нимага қаратилгани, иккинчидан, қайси усул билан эмотив муносабат шакллантирилганини аниқлаш айтиш мумкин бўлади. Бу ҳол тил бирликларининг эмотив вазифасини аниқлашга ёрдам бериши билан бирга, конкрет ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, унинг тили поэтикасига баҳо бериш имконини ҳам беради.

Адабиётлар:

1. Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиёв. Нутқ маданияти ва услубияти асослари, Т., 1992, 74-76-бетлар.
2. Б.Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби, Т., 1991, 48-бет.
3. Э.Қиличев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро, 2001, 119-121-бетлар.
4. Зулфия. Йиллар садоси, Т., 1995.